

Юрт тараққийети йўлида бирлашмайлик!

2020 йил
27 октябрь
сешанба
№ 123
(4408)

Ishonch



Кун нафаси

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ КОРХОНАЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куну электр энергетикаси корхоналарини трансформация қилиш бўйича устувор вазибалар муҳокамаси нзасидан йўғилиш ўтказди.

Бу соҳадаги тизимли ўзгаришлар давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан бошланган эди. Хужжатга мувофиқ, Энергетика вазирлиги ташкил этилиб, соҳада бошқарув ва тижорат функциялари ажратилди.

Шунингдек, 2019 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Президент қарори билан собиқ «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти негизда 3 та йўналиш бўйича алоҳида компаниялар – «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ҳамда «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари ташкил этилди.

Энергетика соҳасига хусусий инвестициялар кириб келиши учун замин яратилди. Натихада бир йилнинг ўзида давлат-хусусий шериклик асосида 2 миллиард долларлик тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилиш, 2 минг 700 мегаватт қувватли 6 та янги электр станциясини қуриш бўйича лойиҳалар бошланди.

Энди олдинда трансформациянинг янги босқичи, яъни, станцияларни модернизация қилиш, энергия тежамкорликни ошириш, таннархни пасайтириш ва ислоҳда электр энергиясининг рақобатли бозорини яратиш вазибалари турибди.

Йўғилишда шу йўналишлардаги муҳим чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Аввало, корхоналарни модернизация қилиш масаласига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда электр станцияларининг эскирганлик даражаси 50 фоиздан юқори. Бундан ташқари, эски қувват-



ларда ёқилғи сарфи янги буғ-газ қурилмаларига нисбатан 2 баравар зиёд. Шу боис модернизация ишларини давом эттириш, лекин буни олдингидек давлат кафолати ҳисобига эмас, балки хусусий капитални жалб қилиш орқали амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Худудий электр тармоқлари», «Иссиқлик электр станциялари» ҳамда «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни жаҳон стандартлари асосида тайёрлаш тизимига ўтиш ке-раклиги таъкидланди.

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Худудий электр тармоқлари», «Иссиқлик электр станциялари» ҳамда «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни жаҳон стандартлари асосида тайёрлаш тизимига ўтиш ке-раклиги таъкидланди.

Бу халқаро кредит рейтингни олиш, келгусида еврооблигациялар чиқаришда муҳим омил бўлади. Мутасаддиларга шу мақсадлардан келиб чиқиб, мазкур 4 та компаниянинг уч йиллик молиявий модели ва бизнес режаларини ишлаб чиқиш вазибаси қўйилди.

Трансформация жараёнларига кўмаклашиш учун корхоналар бошқаруви ва кузатув кенгашиларига чет эллик мутахассислар жалб қилиниши бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳозирда электр энергияси улғуржи

бозори қоидалари белгиланмагани сабабли инвесторлар билан энергия-ни қатъий нархларда харид қилиш бўйича узоқ муддатли шартномалар имзоланмоқда. Бундай ёндашув келгусида рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин. Шу боис электр энергияси рақобатли бозорига ўтиш босқичлари ва қоидаларини белгил-ловчи ҳужжат ишлаб чиқиш зарур-лиги таъкидланди.

Соҳага илғор технологияларни кенг жорий этиш, «рақамли транс-формация»ни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Йўғилишда янги лойиҳаларнинг ижросига ҳам эътибор қаратилди. Мазлумки, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарёда куёш, Бухоро ва Қо-рақалпоғистонда шамоли, Сирдарё ва Сурхондарёда иссиқлик электр стан-циялари барпо этилиши режалашти-рилган. Ушбу лойиҳаларни жадал-лаштириш, уларга давлат-хусусий шериклик асосида инвестициялар йўналтириш муҳимлиги айtilди.

Муҳокама қилинган масала-лар юзасидан мутасаддилар ҳисобот берди.

ЎЗА

Президент Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куну қурилиш соҳасидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенгайди. Айниқса, кўп қаватли уй-лар қурилиб, аҳолининг энг муҳим талаби қондирилмоқда. Хусусан, жорий йилда қишлоқларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ кўп қаватли турар жой барпо этилмоқда.

Сардоба сув омборидаги ҳо-дисадан кейин Сардоба ҳамда Мирзаобод туманларида қисқа муддатда 86 та беш қаватли уй қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари мута-садиларга ушбу тажрибадан фойдаланиб, лойиҳаларни тако-миллаштириш, турар жойларни аҳоли учун янада арзон қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шунга мувофиқ, беш қаватли уйлар лойиҳаси қайта кўриб чиқилиб, хонадонларнинг жой-лашуви ва хоналарнинг ички май-донини мақбуллаштирилди.

Қурилиш материаллари лойи-ҳага мос ўлчамда ишлаб чиқа-рилади, исроф бўлмайди. Ҳовли ва йўлақларга сенсорли электр чироқлари қўйилади. Бу каби тежамкор чоралар натижасида уйларнинг нархи ўртача 30 фо-изгача арзонлашади.

Президентимиз ушбу лойи-ҳани маъқуллаб, бундай турар жойларни аҳоли зич жойлашган барча туманларда қуриш зарур-лигини таъкидлади.

Яна бир лойиҳа Тошкент давлат техника университети ҳу-дудада замонавий ўқув-амалий комплекси барпо этишга қара-тилган.

Дунё тажрибасидан маъ-лумки, кўплаб машҳур илмий муассасалар университетлар ичида жойлашган. Режалашти-рилаётган мажмуа ҳам шу ҳу-дуддаги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Мил-лий университети ҳамда Турин политехника университетидаги жами 36 минг талаба, 2 мингдан зиёд профессор-ўқитувчилар учун шундай марказ бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу ерда бир пайтда 500 та стартап резидент-лари, 120 та ишлаб чиқариш корхонасини жойлаштириш мумкин бўлади.

Тошкент шаҳрида аҳолини арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Жорий йил 2 октябрь куну Қорақалпоғистонга сафар чоғида Нукус шаҳрини обо-донлаштириш, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кен-гайтириш бўйича кўрсатма-лар берилган эди. Шу мақсадда шаҳарнинг истиқболдаги замо-навий марказини барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, кўчаларни кен-гайтириш ва кўкаламзорлашти-риш, кўлар ва истироҳат боғлари ташкил этиш, савдо ва маиший хизматларни кўпайти-риш назарда тутилган.

Президентимиз ушбу лойиҳа-лар билан танишиб, уларни тако-миллаштириш бўйича қатор кўр-сатмалар берди.

ЎЗА

УММОН ОРТИДА ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ

Америкаликлар фикр ва эзгу тилақларини ўзбек тилида билдиришди.

Ўзбекистоннинг Вашингтон-даги элчихонаси Огайо ва Аризона давлат универ-ситетлари билан биргаликда Ўз-бек тили байрами кунига бағиш-ланган тадбир ўтказди. Унда Огайо давлат университети «Та-рих» ҳамда «Яқин шарқ тиллари ва маданияти» кафедралари му-дири Скотт Ливай, ушбу олий таълим муассасасининг Славян ва Шарқий Европа тадқиқотлари маркази директори Анжела Брин-лингер, Аризона давлат универ-ситети Муҳим тиллар институти директори Ирина Левин, 20 на-фарага яқин америкалик мустақил тадқиқотчи олимлар, докторант ва талабалар иштирок этди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, академик жиҳатдан Огай давлат университети АҚШнинг ижтимоий-гуманитар фанлар таъ-лими йўналиши бўйича энг яхши университетлари рейтингига 17, жаҳонда эса 45-ўринда туради. У айна пайтда АҚШдаги энг йи-рик ўзбек тили таълими дастурига эга бўлиб, йилига ўртача 10-12 та олий таълим даргоҳи талабалар-ига ўзбек тилини ўргатади.

Аризона давлат универси-тети ҳам дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. У Бирлашган Мил-латлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига энг кўп ҳисса қўшаётган АҚШдаги энг инновацион университетдир.

Университетда 100 минг нафарга яқин талаба 350 дан ортиқ мута-хассислик бўйича тахсил олади. Анжуманнинг очилиш ма-росимига иштирокчилар юрти-мизда ўзбек тилининг нуфузини янада ошириш, уни кенг тарғиб қилиш бўйича амалга ошири-лаётган ислохотлар билан ба-тафсил таништирилди. Давла-тимиз раҳбариятининг ўзбек тилини мамлакатимиз ва хори-жий давлатларда ўқитилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлари амери-калик олимлар ўртасида катта эътибор қозонди. Айниқса, Ўз-бекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясида илк бор ўз-бек тилида нутқ сузлагани жаҳон ҳамжамияти учун яққол белги бўлиб хизмат қилиши таъкид-ланди.

Тадбир қатнашчилари ўз-лари тайёрлаган саҳна кўриниш-лари ва тақдимотларини ҳам на-мойиш қилишди. Уларда ўзбек тилига бўлган ҳурмат, миллий анъаналаримизни ўрганишга иштиёқ яққол кўзга ташланди. Ташкил этилган вебинар да-вомида АҚШлик иштирокчилар ўзбек тилидаги равон нутқлари билан чиқишлар қилишди, мада-ниятимиз ва тарихимизга бўлган улкан ҳурмат ҳамда қизиқишлар-ини намоиш этишди. Кўйида улар билдирган фикрларни эъти-борингизга ҳавола этамиз:

Юридик клиника 14 та худудий бирлаш-мада ҳам фаолият кўр-сатмоқда. Бу ерда ка-саба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи на-зар, барча фуқаро-ларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабат-лари, айниқса, маж-бурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўз-бекистон қасаба уюш-маси Федерациянинг доимий эътиборида!

3 >

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КҲН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 —

ҚИСКА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ — «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан му-рожаат йўллагингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та худудий бирлаш-мада ҳам фаолият кўр-сатмоқда. Бу ерда ка-саба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи на-зар, барча фуқаро-ларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабат-лари, айниқса, маж-бурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўз-бекистон қасаба уюш-маси Федерациянинг доимий эътиборида!

ҚОИДАЛАР ФАҚАТ «ХЎЖАКЎРСИН»ГАМИ?

«Юнусобод деҳқон бозорига хуш келибсиз!»

Бозорнинг кириш дарвозасидаги ушбу ёзув беихтиёр қўлфи-дили-гизни очади. Одамлар эса икки метрлик масофа сақлаган ҳолда би-ррин-кетин бозор томон одимламоқда... Бозорга кирверишда масо-фали ҳолда қўлларга антисептик сепилиб, иситмалар ўлчанади.

Лекин ичкари киришингиз бил-ан карантин қоидалари ўз кучини йўқотади. Сотувчилар ўз махсулот-ларини сотиш учун бор маҳоратини намоиш қилмоқда. Харидорларнинг аксарияти тўп-тўп бўлиб олган. Сав-доллашиш чоғида карантин қоида-лари унутилган...

Шу кетишда юрверсангиз бирорта ҳам назоратчи сизга «маскангни тақ, масофа сақла» деб, тинчингизни буз-майди. Чунки ташқарида назоратдан ўтдингиз, бўлди-да, изма-из ортингиз-дан юриш шартмас-ку, тўғрими?

Айтганча, бозорга кирмасдан ҳам бемалол савдонгизни пиширсангиз ҳам бўлади. Чунки ичкаридаги нарса-ларнинг деярли ҳаммаси ташқарида ҳам бор. Дудланган балиқ, гўшт, ме-

ва-чева, тузлама, кийим-кечак дей-сизми...

Яна бир гап – қорин ғамини ҳам бе-малол кўриб қўйиш мумкин: нон, ҳа-сип, сомса, гумма ва яна турли-туман ноз-у неъматлар. Бу ерда коронави-русни тамоман унутилган гўё...

Одамларни айтмайсизми, чехрала-ридан нур ёғилади-я! Ниқоблар даҳанга шундай «ярашганки», асти қўйверасиз...

Дунё коронавирусдан азият чека-ётган, орамизда ҳам унинг «кўринмас қўллари»дан зарар топганлар кўпайиб бораётган бир пайтда қоидаларни фақат «хўжақўрсин»га бажаришдан фақат ўзимиз ютқазамиз. Ана шуну англаб етсак, бас.

Достонбек БАХТИЁРЗОДА,
ЎЗЖОКУ талабаси

Уйғоқ нигоҳ

АНКЕТАДА АҚС ЭТАЁТТАН ҲАЁТ



Гулистон туманидаги «Ишонч» маҳалласида Сирдарё-Қорақўл мактаб-интернати фойдаланишга топширилди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Ишонч газетасига
Обуна бўлишни
унутмадингизми?
Обуна индекси: 133



Фаргона вилояти

Мана, бир неча кундирки, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ёшлар агентлиги вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи вакиллари Бешариқ туманида уйма-уй юриб, ишсиз ёшлар ҳамда эътибор ва кўмакка муҳтож аёлларнинг турмуш шароити, қолаверса, уларнинг ҳаётига оид масалаларни чуқур ўрганмоқда.

Онахон анча вақтдан бери хаста эканлигини маълум қилгач, шу заҳоти унинг саломатлигини мустақамлаши ва оёққа туриши учун масъулларга топшириқ берилди. Тиббий ходимлар тезда етиб келиб, онахонга муолажа қилишни бошлади. Касаба уюшмалари ҳисобидан берилган озиқ-овқат маҳсулотлари эса Зовра аянинг кўнглини янада кўтарди.

тўқис яшаши, уларни қандай муаммолар қийнаётгани хусусида батафсил маълумот олинди. Мулоқотлардан сўнг хонадон соҳиби Комила Маҳкаммова ишчи гуруҳи вакиллари 1992 йилда туғилган қизи Оқила Мўйдинова туғма ногиронлиги, «қўли юпқалик» боис унга ногиронлик аравачаси олиб берилмаётганини айтди. Муаммо шу куннинг ўзида ҳал этилиб, Оқи-

лигини билдирди. Ишчи гуруҳи вакиллари бу масалада ҳам кўмак кўрсатилишини айтиб, Комила опага ногирон фарзандига қарагани учун ойлик маош тўлаш бўйича ҳам амалий ёрдам кўрсатилишини билдиришди. – Ишчи гуруҳлари вакиллари уйма-уй юриб, ҳар бир хонадондаги ёшлар ва аёллар билан алоҳида мулоқотлар ўтказмоқда, – дейди Фаргона вилояти касабани

Ишчи гуруҳи фаолияти



АНКЕТАДА АКС ЭТАЁТГАН ҲАЁТ

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да қандай масалалар намоён бўлмоқда?

Хусусан, Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Шавкат Жавлонов туманда ишлаётган ишчи гуруҳининг фаолияти билан танишиб, иш кўламини ошириш, ўрганиш ишларини яна жонлантириш бўйича ўз таклиф ва тавсияла-

рини берди. Раиси ўринбосарининг ўзи ҳам ўрганишларда бевосита иштирок этди.

Ишчи гуруҳи аъзолари дастлаб «Файзиобод» МФИ, Файзиобод кўчасида яшовчи саксон ёшни қаршилаган Зовра Маражапованинг хонадонига боришди.

Ишчи гуруҳининг навбатдаги манзили «Тошариқ» МФИда яшовчи Комила Маҳкаммованинг хонадони бўлди. Айтиш керакки, ушбу хонадон «Темир дафтар»да қайд этилган бўлиб, шу боис, оиланинг даромади, топиш-тутиши, хонадоннинг фаровон ва



лахонга ногиронлик аравачаси тўхта қилинди.

Ишчи гуруҳи билан суҳбатда Комила Маҳкаммова қизи алоҳида қаровга муҳтожлиги сабабли ҳеч қачонда ишлай олмас-

уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев. – Энг асосийси, анкета сўровномасида ёшлар ва аёлларнинг турмуш шароитлари, қизиқишлари, интилишлари ва

муаммолари, бандлик масалалари ўрин олган. Бу эса ёшлар ва аёллар муаммоларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ўрганишлар кўламини янада ошириш бўйича ҳам изланмоқдамиз. Бу эса янада кўпроқ хонадонларга кириш имконини беради.

Шу кунги ишчи гуруҳи Фаргона вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан бешариқлик хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тикувчилик ҳеҳида бўлиб, яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Ишчилар сонини 200 нафарга кўпайтириш мақсадида янги барпо этилаётган иншоот кўздан кечирилди. Таъкидлаш жоизки, айтилган пайтда бу ерда

20 нафар маҳаллий хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Бешариқ туманида 62 та маҳаллада 40 минг 428 та хонадон бўлиб, уларда 227 минг 800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 49 минг 168 нафарини 18-30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилса, 71 минг 208 нафари 30 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллардир.

Ўрганишлар бошлангандан кейин беш кун давомида 16 минг 700 нафар аҳоли вакиллари билан суҳбат ўтказилиб, «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабани уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган кўмитаси конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция

Имконияти янада ошади

Бугунги давр талаби тизим ва тузилмаларни янгиллаш, ишловчилар манфаатдорлигини янада оширишни тақозо этмоқда. Маданият, спорт ва туризм соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани, кейинги йилларда бу йўналишда ишловчилар сони кескин ўсгани айтиш ҳақиқат. Бироқ ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига етарлича шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат имкониятларини ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Таъкидланганидек, ушбу тизимларда юзага келган ҳолатлар чуқур ўрганилиб, ишловчилар хоҳишлари инобатга олинган ҳолда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабани уюшмасига асос яратилди.

Тармоқ касабани уюшмасининг конференциясида иштирок этган 30 нафар делегат бу ташаббусни қизгин маъқуллади. Ташкилий анжуманда Жўшқин Очилов бир овоздан тизим касабани уюшмаларининг Самарқанд вилояти бирлашган кўмитаси раиси вазифасига сайланди.

Конференцияда сўз олган Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши раиси Шўҳрат Деҳқонов тармоқ кўмитаси олдига турган муҳим вазифалар хусусида ўз фикрини баён этди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Теримчининг ҳақини «туя қилаётганлар»

Жиззах вилояти касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда миллий мониторинг ўтказиб, теримчиларнинг меҳнат шароитлари, уларга меҳнат ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, санитария, маиший шароитлар яратилиши ҳамда меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазасининг таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда.

Мазкур жараёнда Касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Жиззах вилояти бўйича Меҳнат техник ва ҳуқуқ инспекторлари фаол иштирок этмоқда. Хусусан, вилоятнинг Мирзачўл, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Арнасой, Пах-



такор, Ш.Рашидов туманларида пахта йиғим-теримида иштирок этаётган теримчилар ва бошқа ходимлар учун

етарлича меҳнат шароити яратилган. Бироқ «гурuch курмасиз бўлмайдим», деганларидек айрим фермер хўжа-

ликларида теримчилар ҳақида хиёнат қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Жумладан, Зарбдор туманидаги «Тараққиёт» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида жойлашган «Нодирбек», «Хумоюн фаҳри» фермер хўжаликлари теримчиларга терим пуллари берилмаётгани аниқланган.

Бундан ташқари, Пахтакор тумани, «Туркистон» фермер хўжаликлари уюшмасида жойлашган «Жавоҳир орзуси» фермер хўжалигида пахта тераётган теримчиларга 9 кунлик терим пули берилмаётгани тўғрисида муружаат келиб тушди.

– Зарбдор тумани, «Тараққиёт» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида жойлашган «Нодирбек» фермер хўжалигида 55 нафар теримчига 2 кунлик терган пахтаси учун 24 миллион 760 минг сўм, «Хумоюн фаҳри» фермер хўжалигида 25 нафар теримчига 28 миллион сўм, шунингдек, Пахтакор туманидаги, «Туркистон» фермер хўжалик-

лари уюшмаси ҳудудида жойлашган «Жавоҳир орзуси» фермер хўжалигида пахта тераётган 48 нафар теримчига 15 миллион 851 минг сўмлик 9 кунлик терим пули берилмагани аниқланди. Ҳозирда теримчиларга терим пули тўлиқ тўлаб берилди, – дейди Касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Жиззах вилояти бўйича Меҳнат ҳуқуқ ва техник инспектори Икром Жабборов. – Ўрганиш жараёнида фермер хўжаликлари раҳбарлари, теримчилар билан суҳбат ўтказилиб, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати, теримчилар учун яратиб берилиши лозим бўлган шарт-шароитлар, карантин қоидаларига риоя қилиш ва санитар нормалар тўғрисида тушунтиришлар берилмоқда.

Мукимжон ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Охирги вақтларда ижтимоий тармоқлар-у турли сайтларда кластер ва фермерлар билан боғлиқ муаммолар бот-бот кўзга ташланмоқда. Нафсиларини айтганда, аксарият фермер хўжаликлари кластерлар фаолиятинан норози. Афсуски, фермернинг юмушини осон қилиш, даромадини кўпайтириш ўрнига уни соғин сигир каби соғайтган, фақат ўз чўнтагини қаппайтириш пайида бўладиган айрим кластерлар амалиётда ҳали янги ҳисобланган мазкур жараённинг оёғига тушов бўлаётгани рост.

Лекин беш қўл баравар бўлмаганидек, айти паллада қишлоқ хўжалиги ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, кўплаб иш ўринлари яратётган ва бу билан кўплаб одамлар турмуш даражасини яхшилаётган кластерлар ҳам бор. Куйи Чирчиқ туманидаги «Tashkent Cotton Textile cluster» («ТСТ Cluster») кластери бунга яққол мисол бўла олади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги журналист ва блогерлар учун ташкил этган медиа-турда бунга амин бўлди.

Ўрни келганда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, охирги беш-олти йиллик даврда

мазкур тумандаги фермер хўжаликлари ўз зиммасидаги шартномани бажармади. Оқибатда Куйи Чирчиқ вилоятнинг энг қолоқ туманига айланиб қолди. 2018 йилда тумандаги фермер хўжаликлари тугатилиб, ерлар кластер ихтиёрига ўтди. Оқилона тадбир ўз самарасини бермоқда. Икки йилдан буён туман фалла ва пахта етиштиришда пешқадамликни кўздан бермапти.

Кластер фаолиятининг дастлабки пайтида асосан пахтачилик ва шолчилик билан шуғулланган бўлса, жорий йилда 14 минг 300 гектар ерда фалла парвартириш, баракали ҳосил олди. Айтилган пайтда 10 минг гектардан ортиқ майдонда етиштирилган пахта, 2 минг 573 гектардаги шолчи ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари аянди.

– Утган йили гектаридан ўртача 35 центнердан пахта етиштирилиб, ялпи ҳосил 30 минг тоннадан ошди, – дейди «Tashkent Cotton Textile cluster» директори Феруз Ақобиров. – Бу йил 10 минг гектарда фўза парвартирилиб, биринчи терим якунланмасдан туриб, шартномавий ре-

жадаги 34 минг тонна пахта хомашеси йиғиштириб олинди. Мавсум якунигача ҳосилдорлик 45 центнерга етиши мумкин. Албатта, тез фурсатларда бундай натижага эришишимизда техниканинг ўрни бекиёс. Ахир, «иш курулини» сўз бўлса, машаққатинг оз бўлар», деб бежиз айтишмайди. Шу боис, «Tashkent Cotton Textile cluster»да техникадан муаммо йўқ. Йиғим-терим мавсумида 25 та «Кейс» русумли юқори унумли пахта териш машинасидан фойдаланилди. Бундан ташқари, яқинда хориждан дуккакли экинлар донини йиғиштириб олади-ган агрегат ва усуналар олиб келинди. Жумладан, АҚШдан «Pickett One Step» русумли 10 та мослама, Украинадан 12 та «ПП-3.4» жаткалари келтирилди. Айти паллада мошини ўриш ва донини ажратиб олишда ушбу техникалар жуда асқатмоқда.

Бу йил деҳқончилик учун бироз ноқулай келди. Сув таъминлиги, ерларнинг сув тубига ақиллиги ва шўрлиги кластерни бироз хавотирга солиб қўйди. Шунга қарамай, кластер жорий йилда 2,5 минг гектардан ортиқ



ерда энг кўп сув ичадиган шолчининг «Лазурний», «Искандар», «Мустақиллик», «Тарона» навларини етиштирди. Ҳосил чакки бўлмади – гектарига ўртача 70 центнердан тўғри келмоқда. Илгарги шолчи очич усулда сақланган бўлса, бу йилдан эътиборан ҳар бири 1 тонналик махсус қопларга жойланмоқда. Бу ҳосилни янги сақлаш ва юқори сифатли гуруч ишлаб чиқариш имконини беради.

Етиштирилган шолчи кластернинг ўзида тўлиқ қайта ишланади. Бунинг учун «Сурум» МФИ ҳудудида қиймати 25 миллиард сўмлик лойиҳа – «Шолини қайта ишлаш ва

сақлаш мажмуаси» бунёд этилди. Ҳозирги кунда Туркиянинг «Yashar Makina» компаниясидан олиб келинган ускуна ва дастгоҳлар ўрнатиб бўлинди. Ушбу завод мавсум давомида 25 минг тоннадан 40 минг тоннагача шолчини қуритиш ва қайта ишлаш қувватига эга.

Табиий бўёқ манбаи бўлган индигофера ўсимлигини «ранлар қироли» дея таърифлашади. Қадим-қадимдан ушбу ўсимликдан матоларни, охори ўчмайдиган тарихий обидларимизнинг мовий гумбазлари кошларининг бўяшда фойдаланилган. Бугунги кунда ҳам индигофера тўқимачилик салоҳиятида ўта қадрланади. Чунки



Фахр

УММОН ОРТИДА ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ

>>1



Альберт КАВАЛЛАРО,
Мичиган университети
тарих фани ўқитувчиси ва докторант:

«Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар!
Менинг исми Альберт, мен тарихчиман, Мичи-
ган университетда тарих ўқитувчиси бўлиб
илайман. Бундан ташқари, Мичиган универси-
тетда докторантман. Илмий ишим Марказий
Осиё билан боғлиқ.

Нега мен ўзбек тилини ўрганиман? Албатта,
илмий ишимни яхши ёзишим учун ўзбек тилини ўрганишим керак. Лекин
асосий сабаб ҳам, мақсад ҳам бу эмас. Мен шуни биламанки, ўзбек тилида
элли миллион нафар одам гаплашади. Ўзбекистонда ва Афғонистоннинг
шимолида ўзбек тили бўлиб, унинг тарихи жуда қизиқ.

Ўзбек адабий тили ва шевалярида кўп сўзлар, қоидалар бор. Агар
сиз бу қоидаларни яхши билсангиз, дунёдаги яна йигирмадан ортқ
тилларни тушуна olasiz. Яъни ўзбек тилида бошқа туркий тил-
ларда бўладиган ҳодисалар бор ва бу тил бошқа кўп туркий тилларни
ўрганиш учун ҳам асос бўла олади.

Ўзбек тили ўзбек миллатининг маданиятини кўрсатади ва бу ҳам
мен учун жуда қизиқ. Шунинг учун Арizonанинг Муҳим тиллар инсти-
тутиди 7 hafta ўзбек тилини севиб ўргандим ва Америка консулли-
гининг сертификатини олдим. Менга ўртадан юқори даража берилди.
Бунинг учун ўқитувчим мендан ҳам кўпроқ хурсанд бўлди, назаримда.

Арizonадаги дарслар орқали ўзбек маданияти ҳақида ҳам кўп нарса
ўргандим. Ҳатто палов тайёрлашни ўрганиб олдим. Умид қиламанки,
бир кун Ўзбекистонга бораман, кўлаб ўзбек дўстлар орттираман.
Биз биргаликда яна кўп илмий ишларни бажарамиз. Ҳамма-ҳаммага ўз-
бек тили байрами муборак бўлсин!»



Керолайн МЭСА,
«Гартнер» компаниясининг
тадқиқотлар бўйича мутахассиси:

«Ассалому алайкум! Ишим Керолайн. Менимча,
яңги тилларни ўрганиш жуда муҳим! Мен ўзбек тили-
ни севаман. Арizonанинг Муҳим тиллар инсти-
тутути ўзбек тилини ўргандим ва уни севиб қол-
дим. Мен рақс тушишни жуда яхши кўраман. Ўз-
бек рақса ҳам қизқаман. Чунки ўзбек миллий рақс
санъати узок ва бой тарихга эга.


Келажақда Фулбрайт дастури орқали Ўзбекистонга бормоқчиман.
Талабаларга инглиз тилидан дарс бераман. Мен Ўзбекистонга бори-
шимдан жуда хурсандман. Кўришгунча!»



Никол ТИГ,
Арizona давлат университети докторанти:

«Ассалому алайкум, исми Никол, таниш-
ганимдан хурсандиман. Арizona давлат универ-
ситетиди аспирантман ва тарихни ўрганим-
ан. Ҳозирда Иккинчи жаҳон урушида Урта Осиё
аскарларининг ролини тадқиқ қиламан.

Ўзбек тилини ўрганган йилдан ўрганишни
бошладим. Шу йил Ўзбекистонга боришни ре-
жалаштирган эдим. Лекин, афсуски, пандемия
бошланди ва бунинг имкони бўлмади қолди. Умид қиламанки, келаси
йил Ўзбекистонга бораман. Келажақда ўзбек тилини ўрганишда давом
этаман. Чунки Ўзбекистон тарихини ўрганмоқчиман.»



Максвелл ПАРКЕР,
Огайо давлат
университети талабаси:

«Сизлар билан танишганимдан хурсандман.
Мен Огайо давлат университетиди ўқийман. Та-
рих, сиёсат ва тилларга қизиқаман. Ўзбек тили-
дан ташқари рус, испан ва хитой тилларини ўр-
ганганман. Ўзбек тили эса жуда қизиқ, муҳим ва
бошқача.»



Шигеко ТОЙОТА,
Глендейл коллежи япон
тили ўқитувчиси:

«Ассалому алайкум! Мен олти йил аввал Ари-
зона давлат университетида ўзбек тилини ўр-
гандим. Кейин Ўзбекистонга бордим. Менга ўзбек
халқи жуда ёқди. Улар жуда меҳрибон. Сизларни
ўзбек тили байрами билан табриқлайман!»

Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади

Очиқ мулоқот

ҲАЛҚАСИ билан фарқ қилади?

деним жинсилари айнан унинг табиий ранглари билан бўялади. Бу йил кластернинг қарийб 80 гектар ер майдониди индиго-фера ўсимлиги экилди. Ҳозирда ўсимлик уруги ва биомассалари бўёқ олиш учун йиғиб олиниш арафасида. Айни пайтда индиго-ферани қайта ишлаб, бўёқ тайёрлаш корхонаси қурилиш ишлари ҳам якунланмоқда.


Кластер таркибиди илгор инновацион ишланмалар, илмий-техникавий янгиликлар, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш мақсадида Илмий агро-техник кенгаш фаолият юритмоқда. Хусусан, кластерда рақамли технологияларнинг сўнгги ютуқларидан бири ҳисобланган «Сторіо» тизими жорий қилиниб, масофадан туриб экин майдонларининг ҳолатини тезкор ўрганиш, мониторинг қилиш, автоматик ҳужжатлаштириш, агро-техника тадбирлари олдиндан режалаштирилмоқда.

Кластер ходимлар манфати йўлида ҳам бир қатор ишларни амалга оширган. Ҳужумдан, қарийб 8 минг 600 нафардан зиёд ишчи-ҳодимнинг бошани бир-лаштирган кластерда касаб

уошма қўмитаси тузилган. Шу боис, ходим ва иш берувчи ўрта-сидаги муносабат меҳнат қону-чилиги доирасидан четга чиқма-ган тарзда амалга оширилмоқда. Ходимларнинг моддий таъминотини рақамларда таҳлил қила-диган бўлсак, фермер хўжалик-лари давридаги ишчилар сони 898 нафар ва уларнинг ўртача иш ҳақи эса 550 000 сўмини ташкил эт-ган бўлса, «ТСТ Cluster» тузилган, 8 600 та иш ўрни яратилди, хо-димларнинг ўртача иш ҳақи эса тўрт баробар – 2,1 миллион сўмга ошган. Бундай кластерлар қисқа муддат ичида аграр соҳани жа-дал ривожлантириш имконини оширмоқда.

Тошкент вилоятида бу йилги пахта ҳосилининг 45 фоизи ай-нан пахта-тўқимачилик кластер-лари ҳиссасига тўғри келаётгани, кластер тизими тўғрисида хо-силдорлик кўрсаткичи ўтган йил-дагига нисбатан 1,5 баробарга ўсгани бунинг ёрқин исботидир.

Ғуломжон
МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



Наманган
вилояти

ИНТЕРНЕТ МУАММОСИ

Чортоқ туманидаги 53-сонли давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабиди энг илгор илм даргоҳларидан саналади. Аммо пандемия сабабли бу ерда ҳам таълим бериш жараёнида етарлича муаммолар юзага келган сир эмас.

– Анъанавий дарсларни ўтиб бўл-гач, онлайн дарсларни текшириш жараёнида юзага келадиган энг биринчи тў-сик, бу интернет муаммоси, – дейди рус тили ўқитувчиси Зебо Азимова. – Иш-дан ҳориб борганингдан сўнг яна оила аъзоларинг олдида телефон «титкилаб» ўтириш, битта ўқувчининг сенга юбор-ган дарсларини, овозли жўнатмаларини, видео хабарларини очиб учун интернет сузглиги сабаб анча вақтинг кетади...

Дарҳақиқат, туман марказида интер-нет «тезлиги» ақлингни шошириб турган бир пайтда, чекка қишлоқларда онлайн дарслар ҳақида сўз очмаса ҳам бўлади. Туман халқ таълими бўлимининг берган маълумотида кўра, бугун мактабларга 70 фоиз ўқувчи қамраб олинган.

Касаллик ҳали чекинмаган, вирусдан оғриётган беморлар кўрсаткичи юқори, ўлим ҳолати мавжуд бўлса-да, соҳа хо-димларидан бу таваккалчиликнинг саба-бини сўраганимизда, «тумандаги барча мактабларда карантин талабларига қатъий риоя қилинаётгани», «ўқувчи-ларнинг масофа сақлаш талаби мунта-зам назорат остида экани» учун ҳам анъ-анавий дарсларга кўпроқ ўқувчиларни жалб этишаётганини айтишди.

Қизиқишимиз ортиб, тумандаги 40-ҳамда 53-сонли мактабларда санитария талабларига қай даражада риоя этила-ётганини ўз кўзимиз билан кўргимиз келди. Мактабга кираришда рисолада-гидек қўл ювиш учун махсус бурчаклар ташкил қилинган-у, негадир суюқ совун-ларга ҳеч қим қўл теккизмагани ҳайрон қолдирди. Ўқувчилардан дарсдан сўнг уйларига қайтиш маҳалида кўлларини ювиб кетишни сўраганимизда, кранлар-дан совуқ сув оққани учун зўрга «кўнгил учун» қўл чайган киши бўлишди, холос.

Аммо тан олиб айтиш керак, ўқув жараёнида синфларда болалар парла-ларга битта-биттадан жойлаштирилган, ниқоблар ҳам етарлича, ҳар бир синфда антисептик воситалари мавжуд.

МАТБУОТДА ЧИҚИШ ҚИЛСА, ОЙЛИГИ ОШАДИМИ?

Ўқитувчилардан пандемия шароитида ўтаётган дарсларга қай тахлит маош оли-шаётгани билан қизиқиб, улардан қуйида-гича жавобни эшитдик:

– Пандемия тўғрисида маошларимиз-нинг устамаларини беришмаётганига ярим йил бўлди, – дейди 53-мактабнинг она тили ўқитувчиси Нодира Усмонова. – Вирус дунё бошига тушган ташвиш-лиги учун ҳам бу ҳолатга тўғри кўз бил-лан қараялми. Аммо нарх-навонинг кун сайин ошаётгани, иш жараёнидаги кўзга кўринмас айрим харажатлар сабаб ола-диган маошимизнинг баракаси учган-дек...

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йл-даги «Умумий ўрта таълим муассасалар-ининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини та-



ОНЛАЙНИМИ Ё ОФЛАЙН?..

карантин даврида таълим муаммолари хусусида мулоҳазалар

Айни пайтда анъанавий дарслар билан бир қаторда онлайн дарслар ҳам мўтаносиб равишда таълим жараёнига сингиб бор-моқда. Ростманасига айтадиган бўлсак, устозлар мана шу икки жараён ичида «қоврилиб», сопини ўзидан чиқаришга қанчалик ҳаракат қилмасин, ўқувчиларининг савод даражаси бугун улар ис-таганчалик юқорилаб кетмаётганидан хавотирда. Чунки кечагина ўқитувчининг назоратидан ийманиб бўлса-да, дарсларга тайёрланиб борадиган бола бугун карантин сабаб уйда қолди. Телевизорда ўтилаётган дарсларни «юмалоқ ёстиқ» қилиб, уй вазифасини ҳаминқадар бажараётган ўқувчининг билими кела-жақда яқинларига ойни олиб берадиган даражада бўлмаслиги кун-дек равшан. Шунинг учун ўқитувчилар бугун пандемия шароити бў-лишига қарамай, секин-аста болаларни мактабга тўлалигича қамраб олиш ниятида эканини яширишмаяпти.



комиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таъ-лим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг ди-ректор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тар-тиби тўғрисидаги» Низом бор. Ушбу Ни-зомнинг биринчи иловадига мувофиқ педагог, психолог ва кутубхона ходимла-рининг фаолиятини 100 баллик тизимда баҳолаш мезонлари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, ОАВда ва интернет тармоқла-рида мақолалар, тезислар, шарҳлар бил-лан чиқишлар қилинса, ойлик маошига қўшимча қўшилиб, рағбатлантиришга асос бўлиши таъкидлаб ўтилган. Ана шу мақсадда ОАВда таниши бор ўқитувчи-

нинг аксарияти бу қулай вазиятдан фой-даланиб қолишни, таниши бўлмаганлар эса тахририят эшигиди саргайиб ўти-риши сир эмас.

– Аслида қарордан кўзланган мақсад мутлақо бошқа бўлган, – дейди бу ҳақда 53-мактабнинг информатика ўқитувчиси Юлдахон Меҳмонова. – Яъни ўз касби-нинг моҳир ўқитувчилари ўзларининг таълим бериш жараёнидаги билимла-рини газета, журналлардаги чиқиш-лари орқали ҳамкасблари орасида кенг тарғиб қилиши кераклиги кўзланган. Шу асосда рағбатлантириш масаласи қўйил-ган...

ЖАДВАЛЛАР БИР-БИРИГА МОС ЭМАС...

Айрим ўқитувчилар онлайн дарслар билан анъанавий дарсларнинг жадвали бир-бирига тўғри келмаганидан иш жа-раёнида бирмунча қийинчиликларга дуч келишаётганини ҳам таъкидлаб ўтишди. – Мактабда ўқувчиларга бошқа мав-зуни ўтсак, уйга келганимизда онлайн дарсларда ўтилган бошқа мавзунинг текшириш, – дейди 40-мактабнинг рус тили ўқитувчиси Светлана Муродова. – Ҳали-ҳамон онлайн дарслар билан бир тизимга тушиб ологанимиз йўқ...

Шу мактабнинг технология ўқитув-

Долзарб мавзу

чиси Ёқубжон Абдураҳмонов онлайн дарсда кузатган ҳолатга ўринли эътироз билдирди:

– Тўғри, менинг фаним асосий фан-лар сирасига кирмаса ҳам технологияга қизиққан ўқувчилар онлайн дарсларда берилган вазифаларни астойдил ба-жаришга ҳаракат қилишади. Аммо он-лайн дарсларда ўқувчилар мураккаб асбоблардан мураккаб буюмлар ясаб кўрсатаётгани ақлингни шоширади. Ахир, онлайн дарс ўтаётган ўқитувчи-нинг қўлидаги асбоб-ускуналар гоҳида энг профессионал усталарда ҳам бўла-вермайди. Ўқувчиларинг эса бу жара-ёнда қийналишади...

ЎҚИТУВЧИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Мана шундай мураккаб шароитда ҳам фарзандларимизни билимли қилиш йўлида тинмай изланаётган устозлари-мизнинг меҳнати, фидойилиги касаб

уюшмаларининг эътиборидан четда қо-лаётгани йўқ. – Жамоа шартномалари ва келишув-лари орқали жорий йилнинг октябр ойига қадар 191 нафар пенсия ёшидаги ўқитувчига пенсияга чиқишдан олдин касаб уюшмалари ҳисобидан 24 миллион 803 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, – дейди Таълим ва фан хо-димлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лутфиддин Фа-ниев. – 182 нафар ходимнинг юбилей саналари муносабати билан 24 миллион



181 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар топирилди. Бундан ташқари, тармоғи-миздаги 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган бола парвариши учун таътилда бўлган 109 нафар ёш онага касаб уюшмалари маб-лағлари ҳисобидан моддий ёрдам бериб келинмоқда...

«Устоз отангдек улуғ» деган нақл бе-жизга айтилмаган. Бугун уларнинг муам-моларини эшитолсак, ўз вақтида моддий кўмак беролсак, қадрини банд кўта-ришга эришсакки, миллатимиз эрта-сига ишонсак бўлади. Акс ҳолда...

Мақолани якунлаш арафасида интер-нет тармоғидан «Ўқитувчиларнинг ой-лик маоши меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 бараварига оши-рилиши» ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Ҳаёлимда ғужғон ўйнаган мужмаллик туман сингари тарқаб кетгандек бўлди...



Орзгул
РУСТАМОВА,
«ISHONCH»



Фаргона
вилояти

«Эҳ, ишим қимларга тушди-я...»

Данғара туманининг Эшонбобо қишлоғида яшовчи Қо-бил Шодмонхўжаев, Аброр Эсонов, Ҳасан ва Ҳусан Ро-зиқов хонадонларига электр симлари симёғочда эмас, балки қўшиларнинг электр узаткичи («траuzzi»)дан қўлбола усулда тортилгани, токнинг қуввати паслиги са-баб чироқлар базўр ёнаётгани, шу боис, симёғоч ўрнатилиш ва токнинг қуввати банд тармоқдан сим тортиб беришларини сўраб, Данғара тумани электр тармоқлари масъул ходимларига бир неча маротаба мурожаат қилишган.




Аммо туман электр тар-моқлари масъулари бу масалада қуруқ ваъда бе-ришдан нари ўтишмади. Ҳар гал келиб, неча симёғоч ва неча

метр сим кераклигини ёзиб кетаверишди. Ишда бирор силжиш бўлавермагач, мазкур ма-салада Данғара тумани халқ қабулхонасига мурожаат қи-лишга тўғри келди. Шундан сўнг туман электр тармоқла-ридан ходимлар келиб, аввал-гидай неча симёғоч ва неча метр электр сими кераклигини ёзиб кетишди. Аммо яна ама-лий натижа бўлмади...

Қишлоқдошлар бу гал «юқо-ри»роққа – вилоят халқ қабул-хонасига мурожаат қилишди. Яна электр тармоқларидан мута-хассислар келиб, неча симёғоч, неча метр сим кераклигини ёзиб олишди. Ток қуввати оширилиши учун тармоқнинг ноль фазасидан сим тушириб, ерга махсус қоқиқ кетишди. ...Хуллас, ярим йиллик идо-

рама-идора югуришлардан эришган ютуқлари шу бўлди. – Уйимизга электр сими қўш-нимизнинг узаткичи орқали ўт-ган. Ёнимдаги



ним ҳам ўзига яқин бўлган қўшнисидан сим тортган, – дейди Аброр Эсонов. – Туман электр корхонаси масъул раҳ-барларига бу ҳақда кўп бор айт-ганмиз. Лекин улар муаммони фақат қоғозга ёзиб кетиш бил-ангина кифояланганимизда. – Токнинг паслигидан лам-почка хира ёнади, – дейди Ҳусан

Розиқов. – Шу сабабли 1-синфга бораётган қизим зўрга дарс тай-ёрлайди. Дастгоҳларнинг ишла-шини-ку айтмай қўяқолай. Ярм йилдан бери битта масала-нинг орқасидан қувамиз. Лекин ҳеч қандай ўнгланми йўқ. 2021 йил манзили дастурига кири-тиш режалаштирилаётганини айтишдан нарига ўтишмайди. Нима, унганча болаларимиз хира ёнган чироқда дарс тайёрлаб, китоб ўқишадими? Масъулларга қуввати банд линиядан тар-моқ тортиб беришларини ил-тимос қилган эдик. Лекин улар сим йўқлигини айтишмоқда.

Аслида мурожаатда катта нарс

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



Оғриқ тишлар...

Қашқадарё вилояти

Кутубхоналар сони кўпаядими?



«Чармгар» – Китоб туманидаги энг кўп аҳоли яшайдиган маҳалла. Аҳамиятлиси, бу маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда на мактаб бор, на мактабгача таълим ташилототи. Асосан аҳоли яшайдиган уйлاردан иборат маҳаллада сартарошхона ва гўзаллик салонидан бўлак эйтиборга молик маскан ҳам йўқ. 6500 нафар аҳоли, 1450 та хонадон, 1800 дан ошиқ оила яшайдиган маҳаллада нечта китобсевар оила бор?

Илгари чармгарликларнинг ҳеч қайсиси бу саволга аниқ жавоб бера олмас эди. Аммо энди бу маҳаллада нечта китобсевар оила борлигини аниқроқ айтиш мумкин. Чунки ҳудудда аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларнинг бўш вақтига мазмун бағишлаш, улар орасида китобхонликни кенг тарғиб этиш мақсадида кутубхона ташкил қилинди. Янги зиё масканига касба уюшмалари ҳисобидан минг донга китоб ва компьютер жамланмаси тақдим этилди.

Кутубхонанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Исмаил Очилов таъкидлаганидек,

энди маҳалланинг ҳар бир фуқароси ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарларини ўқиш имкониятига эга бўлди.

Ана энди кутубхонага мутуола учун муружаат қилувчи оила, хотин-қизлар ва ижтимоий, маънавий масалалар бўйича маслаҳатчиси Барно Ҳаққулова. – Тикувчилик, қандолатчилик, гўзаллик саломи юмушлари билан банд бўлган аёллар кўпчилиги. Мана, улар учун аjoyиб кутубхона иш бошлади. Энди бизни тарғибот-ташвиқоти кўлаётган китобхонлар ўртасида ҳар хил давра суҳбатла-

ра ташкил этиш, ҳудуддаги тадбиркорларни кутубхона фондини янада бойитиш каби хайрли ишлар кутиб турибди...

Очиғини айтганда, ҳар бир оилага китобсеварликни олиб кириш осон иш эмас. Кутубхоналар ташкил этилса, ичи энг нодир китоблар билан тўла бўлса-ю, уларни биров ўқимаса (ўқигани ҳам саноклигина бўлса), бундан не наф?...

Демак, энди қарашларимиз ҳам ўзгариши керак. Неваримизнинг бешик тўйига той эмас, мўъжазгина китоб жавони ва беш-ўн та китоб олиб боришимиз зарур.

Грузинлар қизларининг сепига Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон» китобини ҳам кўйиб қўйишини эшитганмиз. Улар ўйлашарканки, мардик ва адолат мадҳ этилган бу китобни ўқигани миллат ёшлар ўзлари ҳам ана шундай баҳодирларни тарбияла- ва, вояга етказишсин.

Хўш, биз нима қиламиз? Қизимизга кўша-кўша мебель, шод-шода тилла ва марваридларни совға қиламиз. Натижада туғилажак зурриёдорлар ҳам бойликни яхши кўрадиларини, хашамга ўч бўлиб вояга етмаяптими?

Энди бу ёндашуви тубдан ўзгартирмас, ўзимизни жиддий танқид ва ислоҳ қилмас эканмиз, кутаётганимиз ва интилаётганимиз – чин маънодаги китобсевар ҳамда эзгуликсевар инсонга айлана олмаймиз.

Сара адабиётлар, ҳаётий хулоса ва сабоқлар билан лим-мо-лим китоблар уйда, боз устига, яхши кунда – фарзандининг бешик тўйида олиб келинган китоб жавонида турса, бу хонадоннинг соҳиби ва соҳибаси уни, албатта, ўқийди. Сўнг-

ларимизнинг улардек закий бўлишини истасак, улар каби китобни, мутуолаани севишимиз керак.

Мен кўп соҳаларда ишладим. Ишим жуда кўп бўлса-да, бу ҳар кунни маълум бир вақтни китоб мутуолаасига ажратишим учун ҳеч ҳам тўсқинлик қилолмас эди. Ҳар бир ўқиган асарим ҳақида иншо ёзишни одат қилганман. Ҳозир пенсиядаман. Уйдаги, боғдаги ишлардан бўш бўлишим билан яна кўлимга китоб оламан. Чунки



шоҳни доволабди. Дарди енгиллашган подшоҳ «Тила тилагини» деганида, улуг табиб молу дунё ҳам, олтин-у қумушлар ҳам сўрамасдан, «Рухсат берсангиз, подшоҳликнинг кутубхонасидан фойдаланиб турай», дея илти-мо-мо қилган экан. Демак, биз ҳам Ибн Синоларга, Берунийларга ҳавас қилсак, фарзанд-у набира-

китоб инсон учун ҳаётдаги энг яқин ва яхши маслаҳатгўй эканига умрим давомида кўп бор амин бўлганман...



Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Табиат тилсими

Қорақалпоғистон Республикаси

Номи афсонага айланган бораётган Орол денгизи бир пайтлар аjoyиб таъмили балиқлари билан ҳам дунёга танилган. Ўтган асрнинг биринчи ярмида денгиз мавж уриб турган ва унда минтақанинг ноёб жонзоти ҳисобланган баҳри балиқ (бакра) сероб бўлган. Шу боис, у ҳар йили кўп миқдорда овланган. Масалан, 1929 йили 347,2, 1936 йили 620,8 тонна бакра одамлар дастурхонига тортилган.

АФСОНаВИЙ БАҲРИ БАЛИҚЛАР

Улар Орол денгизининг қуришини қандай билган?

Халқ тилида «балиқлар подшоҳи», «олтин балиқ» деб номланган бакра ҳаётининг асосий қисмини денгизнинг шўр сувида ўтказган, уруғланиш мавсумида эса чучук сувга интиланган. Суви унчалик шўр бўлмаган ва икита чучук сувли дарё қуйилиб турган Орол денгизи учун қулай жой ҳисобланган. Шу боис, улар Оролни ватан тутишган.

1933-34 йилларда Каспий денгиздан северга балиғи иқлимлаштириш учун Орол денгизига олиб келинади. Лекин бу балиқ

тури Орол денгизи сувига мослаша олмайди ва орадан кўп вақт ўтмай қирилиб кетади. Северга балиғи билан бирга Оролга келиб қолган жабра паразити эса тирик қолади. Улар ўзларига янги «хўжайин» сифатида бакраларни танлашади.

Натижада 1936 йилда Орол денгизига бакраларнинг оммавий тарзда ҳалок бўлиши кузатилади. Шундан сўнг катта даромад олиб келаётган ноёб балиқларнинг ов-ланишига тақиқ қўйилади ва аҳвол яхшилана бошлади. Тақиқ 1962 йилга келиб қисман олиб ташла-



Суратда: Орол денгизининг «олтин балиғи» ҳисобланган бакраларни тутиб келган балиқчилар тасвирланган. Ушбу сурат Мўйноқда истиқомат қилган Владимир Баутинга тегишли.

нади, бироқ бу даврда Орол денгизи ҳам қурий бошлаган эди. 1983 йилда бакранинг овланишига қайтадан тақиқ ўрнатилди. Афсуски, бу пайтда денгиз шиддат билан қуришда давом этади. 1996 йилга келиб осётсимон балиқлар бўйича халқаро комиссия бакра балиқларининг Орол популяцияси ер юзидан бутунлай қирилиб кетганини расман эълон қилди. Шу тариқа бутун бошли ноёб бир тур инсон айби билан йўқолиб кетди.

Мўйноқлик Одилжон Бигелдиевнинг хотирлашича, 1970 йилларда Учсой портида минглаб одамлар балиқчилик билан шуғулланган. Улар асосан судак, бакра ва лаққа балиқларни овлашган. Бир кунда битта кема 50 тоннагача балиқ ташиган. Унинг ўзи 120-140 килограммлик бакраларни тутган экан. Денгизда бакра ниҳоятда кўп бўлгани сабабли одамлар унинг қадрига етмаган. Ҳозирда ресурсларда энг қиммат дестро таом саналадиган бакра увилдириқларидан нон пиширилган, ортиб қолган эса ташлаб юборилган. Бакра ёғининг овқат тайёрлашда ишлатилгани ҳам мўл-кўлчиликдан далолатдир.

Бакра балиқларига Каспий денгизи соҳилидаги давлатлардан ҳам буюртмалар келган. Чунки уларнинг таъми ниҳоятда ширин эди. Айтишларича, ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида минглаб бакралар денгиз қирғоғига ўзини урган. Бу ҳодиса кўпчиликни ҳайрон қолдирган бўлса, кекса балиқчилар буни ёмонлик аломати сифатида баҳолашган.

Уша кезларда Мўйноқда кўп сонли урал казаклари ҳам истиқомат қилган. Бакраларнинг ўзини қирғоққа уриб, денгиздан қочишга уринганидан кейин улар ҳам бу ердан дарҳол кўчиб кета бошлаган. Денгизнинг келажаги йўқ эканини башорат қилган бакралар эса аср охирида тўлиқ қирилиб кетди ва номи афсонага айланди. Эндиликда табиатнинг бу сирли тилсими ҳақида фақат хотирлаш мумкин, холос...

Есимжон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

Митти ҳикоялар



НОГИРОНЛАР АРАВАЧАСИ

Еш эр-хотин бир-бирининг гўрига ёшт қалаганча суд биносига етиб келишиди. Ҳали вақтли экани сабабли эшик олдида кутиб туришди.

Шу маҳал келин либосидаги бир қиз башанг кийинган йигит ўтирган ногиронлар аравачаси билан оқсоқланганича келиб қолди. Улар шодон ҳолда пештоғига «ФҲД» деган тахтача илинган қўшни хонага кириб кетишди.

... Эр-хотин бир зум бир-бирига тикилиб қолишди. Сўнгра беихтиёр узатилган қўлларини оҳиста ушланганларича ортга қайтишди.

БОЛАЛАР УЙИДА

Болалар уйидаги тарбияланувчиларга совға-саломларимизни улашмоқдамиз.

Телефоним жиригилди:

- Ассалому алайкум, онажон – дедим.
- Ёнимдаги болакай гап қотди:
- Сизнинг ҳам ойингиз борми?
- Ҳа, бор, тўксон олти ёшда. Ҳар кун Фарғонада туриб, мендан ҳолаҳвал сўрайди.
- Менинг оғим шу шаҳарда. Қўнғироқ қилиб ўтирмайди. Ҳар ойда кўриб кетади.
- Яхши экан, – дея олдим, холос...

ОНА

Она ҳақида бирон янги гап айтиш дейсизми?

- Сизнинг онангиз, унинг онаси, менинг онам. Ҳаммамизнинг ОНАМИЗ.

БЕХОС ТАШРИФ

– Хизмат сафари туғамасдан уйга қайтишингизни билгандек бугун ишдан вақтироқ қайтган эдим, – деди хотин эрига.

Эшик тақиллади ва эркак кишининг овози эшитилди:

- Онақол, сабрим чидамади, келишганимиздан олдинроқ келдим.

НОЗИК ОМОНАТ

Дўстларимдан бири хорижий давлатга узоқ муддатли хизмат сафарига кетиши олдида менга «Уйдагилардан хабар олиб тур» деб тайинлади.

Буни эшитган катта отам «Билиб қўй, ўғлим, ошнанг сенга жуда нозик омонат қолдири» деди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси Федерация ташкилий ишлар бўлими мудири Уринбосари

Нурилла НАСИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чучук ҳамдардик билдиради.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ касба уюшмалари Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани кенгаши раиси

Азимжон АРИПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши «Кувасой-Чек-Шифер» корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси Абдусамат Назриддиновга онаси

Қумринисо ҚОСИМОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2015-1000

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ**
(таҳрир хайъати раиси),
- Улугбек ЖАЛМЕНОВ,**
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Ноҳира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОВА,
(боши муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ,**
(боши муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
- Меҳридин ШУКУРОВ,**
(Масъул котиб – «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК**
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69

Хўкўк ва халқаро хайъти – (71) 256-52-89

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79

Хатлар ва мушбирлар билан ишлар – (71) 256-85-43

Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Ҳудудлардаги мухбирлар:**
- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
- Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
- Бўжоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
- Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
- Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
- Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
- Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
- Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
- Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
- Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
- Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
- Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
- Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фирми таҳрирнинг нукта назаридан фойдаланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Х.Норбоев

Мусаҳҳиж:
А. Абулфайзов

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:35**
Топшириш вақти – **22:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – **1017**. 27830 нўسخада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бўжоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКДЭ: 58130

Бухоро вилояти

Мактабгача таълим



БОЛАЖОНЛАР СЕВИМЛИ МАСКАНЛАРИГА ҚАЙТИШДИ

Карантин тартиблари юмшатилиши билан юртимиздаги болалар боғчаларида таълим-тарбия жараёни босқичма-босқич тарзда қайта тикланмоқда. Хусусан, Бухоро шаҳридаги 67-мактабгача таълим муассасида ҳам бир неча ойлик танаффусдан сўнг машғулотлар бошланди.

20 ўринли ушбу масканда болажонларни қабул қилиб олиш, уларга сабоқ бериш, санитария-гигиена талабларига амал қилишга етарлича тайёрлик кўрилди. Барча ходимларнинг корона-вирусга тест таҳлиллари манфий натижани кўрсатгани ҳам айни муддао бўлди. Боғча ҳудудида дезинфекция ишлари бажарилди. Илгирма икки нафар педагог-ҳодим ҳамда тарбиячи-ёрдамчилар термометр, беш хил тиббий ниқоб, кўлқоп, махсус

бош кийим ва антисептик воситалар билан таъминланди.

Айни пайтда Дилором Нарзиева раҳбарлигидаги МТТда беш ва етти ёш ораллидаги болалар машғулотларга қатнашмоқда. Тарбияланувчилар боғчага келиб-кетишда ҳарорати ўлчаниб, қўллари антисептик воситалар билан зарарсизлантирилмоқда.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
«ISHONCH»